

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

МАНБАШУНОСЛИК

Х. Азимов

Будда динининг Хитойга кириб келишида марказий осиёлик роҳибларнинг ўрни *(Хитой манбалари асосида)*

Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Қадимда Марказий Осиёдаги йирик давлатлар ғарб ва шарққа ўтадиган савдо йўлларини эгаллаши, атрофдаги мамлакатларга маданий таъсир ўтказишига ҳам сабаб бўлган.

Будда дини Хитойга айнан қайси йилларда кириб борганлиги масаласида олимлар ўртасида ҳозир ҳам мунозарали муаммо ҳисобланади. Биз ушбу мақолада хитойликлар мазкур дин билан қачондан бошлаб, кимлар орқали танишгани, унинг Хитойда тарқалиш ва ривожланишида воситачилик қилганлар орасидан ўрин олган айрим аждодларимиз ҳақида тухтаб ўтишни мақсад қилдик.

Бу масалаларни ўрганишда ғарбий Жин (Ши-Жин) сулоласи даврида (мил. 265–316) сарой тарихчилари ота-бола Хуа Чяо (мил. III асрда яшаган) ва Хуа Челар (мил. III–IV асрларда яшаган) томонидан битилган “Хоу Ханшу” (Кейинги Хан [сулоласи] тарихи; мил. 25–220), 502-572 йиллар давомида ёзилиб Вей Шоу (507–572) томонидан 572 йилда ёзиб тугатилган “Вейшу” (Вей [сулоласи] тарихи) ва Хуэй Жяо (497–554) томонидан 497–554 йиллар давомда ёзилган “Гао сенгчжуан” (高僧傳 / 高僧传 Олий роҳиблар биографияси)[1] номли бирламчи манбаларга таяндик.

[1] Мазкур асар “Лянг гао сенгчжуан” (梁高僧傳 – Лянг сулоласи даврида (502–557) ёзилган олий роҳиблар биографияси) деб ҳам номланиб, Хитойда ҳукмронлик қилган Жанубий сулолага (420–479) мансуб Лянг сулоласи даврида яшаган роҳиб

Қадимги Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар натижасида буддизмнинг Хитойга кириб боришида айрим рус олимлари голландиялик хитойшунос Э.Зурчер тадқиқотларига асосланиб, буддизм асосчиси ва тарқалишини милодий 148 йили парфиялик роҳиб Ан Шигаонинг Хитойга бориши билан боғлашади. Айнан шу йилдан бошлаб, қадимги хитойликлар пойтахти Лоянг буддизмнинг муҳим марказига айланади [3: 211; 212; 1: 199], дея қайд этилади. Ғарб олимларининг айнан Ан Шигао (安世高, *Parthamasiris*, асл исми Ан Чинг (安清; (тах. мил. II асрда яшаган) билан боғлиқлигининг яна бир сабаби, ушбу шахс аслида роҳиб эмас, Парфия ҳукмдорининг ўғли бўлган. Отаси вафот этгандан сўнг саройдаги низолар натижасида тахтдан воз кечиб, шарқдаги бир қанча мамлакатларга сайёҳат уюштирган. Жумладан, шарқий Хан ҳукмдори Хуан-ди (桓帝 – 147–165) даврида Хитойга келиб 40 йил яшаган, шундан 20 йил давомида будда сутраларини хитой тилига таржима қилган. Шу боисдан Ан Шигао айнан унинг шахсиятига аҳамият бериб, давлатнинг расмий вакили сифатида диннинг тарқалишини у билан боғлаган бўлиши мумкин, деган тахминий фикрни илгари сурдик. Бироқ хитойлик олимлар тадқиқотларида Кушон (мил. I–IV) давлатидан бўлган Локаксема (Чжи Чен) будда сутраларининг 39 қисмини хитой тилига ўгириб маҳаяна буддизмини[1], парфиялик Ан Шичанг (安世昌; *яшаган йиллари ноъмалум*) эса ҳинаяна буддизми[2] Хитойга тарқатишган дея бу

Хуэй Жяо (慧皎 497–554) томонидан битилган. Асар 14 бобдан иборат бўлиб, шарқий Хан давридан (мил. ав. 206 – мил. 220), то Жанубий сулолалар даври Лянг давлатига (67–519 йиллар оралиғи) қадар жами 452 йил давр оралиғда яшаган 257 та роҳиб биографияси қайд этилган. Асарни кейинги сулолалар даврида ҳам ёзиш анъанаси давом эттирилган. Қайси сулола даврида ёзилган бўлса одатда асарнинг бош қисмида ўша сулола номи қўшилган. Масалан: Танг гао сенгчжуан (Танг (618–907) сулоласи даврида ёзилган олий роҳиблар биографияси), Минг (1368–1644) гао сенгчжуан (Минг сулоласи даврида ёзилган олий роҳиблар биографияси)

[1] Маҳаяна – (санскритча – катта арава (катта доира), нажот топишнинг кенг йўли) буддизмнинг 2 асосий оқим (хинаяна билан бирга)дан бири. Милоднинг бошларида кенг тарқалган. Маҳаяна руҳий камолот аҳсига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи, роҳибларга инъомлар бериб ёрдам қилувчи ҳар қандай диндор нажот топиши мумкин, деб ҳисоблайди.

[2] Ҳинаяна – (санскритча кичик арава (кичик доира) ёки нажот топишнинг тор йўли) – буддизмнинг (маҳаяна билан бирга) икки асосий оқимидан бири, унинг монахлик

икки шахс фаолиятига юксак баҳо беришади [13: 91]. Аслида, будда дини айнан милодий 148 йилда тарқалди, дейиш хато ҳисобланади. Сабаби, динининг тарқалиши маълум бир даврий жараён билан боғлиқдир. Агар давр жиҳатидан Хитойда буддизм билан боғлиқ жараёнларга эътибор берсак, милоддан аввалги даврлардан милодий II асрга қадар хитойликлар Будда дини ҳақида маълумотларга эга бўлган. II асрдан бошлаб то IV–V асрга қадар хорижлик будда роҳиблари қадимги Хитой жамиятида буддизмнинг тарқалиши учун кенг миқиёсида ишлар олиб борган. Милодий I–II асрларда Кушон империясида содир бўлган сиёсий вазият ва диний эътиқод хариталарига назар солсак, айниқса, Канишка даврида (мил. 78–120) [17: 201] будда дини Шарқий Туркистоннинг шарқий шаҳарлари бўлмиш Турфон, Дунхуан худудларигача тарқалган [24]. Ҳатто, тах. 295–299 йилларда таваллуд топган, умрининг охирига қадар кўп йиллар давомида Хўтан шаҳрида яшаган хитойлик роҳиб Чжу Сишинг (мил. III–IV асрларда яшаган) маълумотига кўра, милодий I асрнинг иккинчи яримида Такламакон чўлининг атрофидаги Қашқар, Хўтан, Кусан (ҳозирги Кучар) ва бошқа шаҳарларда будда маданияти юксак ривожланган [18: 278; 291]. Албатта, бу ҳодисалар Кушон империясининг Буюк Ипак йўлидаги сиёсий маданий жараёнлардаги мавқе ва таъсир доирасининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган. Канишка ҳукмронлигининг сўнги даврида, яъни 114–120 йилларда Кашқар, Ёркенд и Хўтан каби вилоятлар Кушон давлатининг таъсир доирасига ўтган [17: 203]. Айрим хитой олимлари мазкур империянинг шарқий чегараси Помир тоғига қадар борган, деган нотўғри хулосани ҳам илгари суришади [10: 39].

III асрнинг бошларидан Хитойда Хан империяси (мил. ав. 206–мил. 220) ўз мавқиени йўқотади. Мамлакатда ички курашлар ниҳоятда авж олиб, ҳатто жамиятдаги миллий ғоя ҳам заифлашди. Шундай бир вазиятда янги таълимотга эҳтиёж кучаяди. Марказий Осиёда юксак даражада ривожланган будда таълимоти Хитой

шакли. Ҳинаянада сансара исканжасидан халос бўлишга интилувчининг ўзи қиладиган ҳаракати асосий аҳамиятга эга. Ҳинаянанинг асосий қоидалари мил. ав. I асрлардан илгарироқ ёзилган матнларда, шу жумладан, трипитакада баён қилинган.

жамияти талабига мос келган. Натижада, Кушон давлати ва қўшни мамлакатлардан элчилар, савдогарларнинг катта миқдордаги совғалар, моллар билан Хитойга бориши фаоллашди. Улар будда динининг тарғиботчилари ўлароқ будда таълимотини Хитой жамиятида ёйишда жонбозлик кўрсатишган. Ҳатто, умрини Хитойда будда дини тарғиботига бағишлаган туркистонлик роҳиблар ҳам пайдо бўлган.

Хитойликлар Турондан келган роҳиблар билан мулоқотда уларнинг исмини талаффуз этишида қийналишган. Шу боис, хитойликлар меҳмонларнинг исмини қисқартирган ҳолда юрти ёки мамлакатининг номини фамилия қилиб беришган. Масалан, Кангкия (Қанғ) давлатидан ҳамда Самарқанд шаҳридан борган роҳибларга *канг* (康), Кушон давлатидан борганларга замонавий ўқилишда *чжи* (қадимги ўқилши Цие), Парфия давлати ва Бухоро шаҳридан борганларига *ан* (安) Ҳиндистондан борганларга *чжу* (竺) иероглифини фамилия сифатида ишлатишган. Бироқ *чжу* фамилиясини олганларнинг келиб чиқиши доим ҳам Ҳиндистондан бўлавермаган.

Шу боис, хитой манбаларида Хитойда фаолият кўрсатган аксарият хорижлик роҳиб ва савдогарлар исмига қўшилган шу иероглифларни уларнинг асл маҳаллий исми деб қабул қилиш ҳато ҳисобланади. Бундай анъана ўша даврда хитойча ёзма манбаларида сақланиб қолган бўлиб, роҳибларнинг Марказий Осиёдаги қайси давлатдан келганини билиб олиш мумкин. Ғарб олимларининг тадқиқотларида исми *канг* сўзи билан бошланадиган роҳибларни суғдиёналик (sogdian) деб қайд этилган [25:].

Кушон давлатидан бўлган Локаксема[1] (хитойча ўқилиши Чжи Луожячен / Zhi Loujiachen 支婁迦讖 /支娄迦谶; мил. II асрда яшаган), Чжи Яо (支曜; мил. II–III асрларда яшаган), Чжи Лянг (支亮; мил. III асрда яшаган) ва Чжи Чян (支謙; мил. III–IV асрларда яшаган) Хитой будда тарихида парфиялик роҳиб Ан Шигао билан бир вақтда будда

[1] Голландиялик хитойшунос олим Эрик Зурчер тадқиқотларида мазкур роҳибнинг хитойча исми Чжи Луожячен эмас, балки Чжи Луожячян / Zhi Loujiaqian деб келтирилган. Унинг исмидаги охирги иероглиф 谶/讖 дея *чян / qian* сифатида қайд этилган [25: 15]. Бироқ хитойча илмий луғатларда мазкур иероглиф *чен* сифатида ўқилиши келтирилади [20: 402].

дини ҳақидаги китобларни хитойчага таржима қилган дастлабки роҳиблардан ҳисобланади. Улар хитой тилига таржима қилган будда дини сутралари ҳақида замонавий хитой тадқиқотчилари асарларида ҳам акс эттирилган. Жумладан, Локаксема номланган бир роҳиб исмини хитойликлар қисқартириб Чжи Чен (支讖) деб аташган. Ушбу шахснинг дастлаб Хитойга борган йили ҳақида манбаларда аниқ қайд этилмаган. Бироқ "Олий даражали роҳиблар биографияси" номли асарнинг "Канг Сенгхуэй биографияси" деб аталган биринчи бобида: "Дастлаб [шарқий] Хан [ҳукмдорлари] Хуан, Линг даврида [фаолият кўрсатган] Чжи Чен омма орасидан чиқиб [будда] сутраларни таржима қилди", дейилади [19: 15]. Агар мазкур маълумотга аҳамият берсак, шарқий Хан ҳукмдори Хуан-ди (桓帝 – 147–167) даврининг охири ва Линг-ди (灵帝 – 168–184) даврининг бошларига тўғри келади. У дастлаб ҳукмдор Хуан-ди даврининг охирларида Хитойга келган, император Линг-ди ҳукмронлигининг бошларида, тахминан, 167–168 йилларда Лоянгга келиб будда сутраларини санскрит тилидан хитой тилига таржима қилиш ишлари билан шуғулланган.

Хитойликлар қачондан бошлаб будда дини ҳақида хабар топгани масаласида япониялик олим Ханеда Тору хитой манбаларига асосланиб, Ғарбий Хан ҳукмдори Ай-ди (мил. ав. 6–1) даврида мил. ав. 2-йилда ва шарқий Хан ҳукмдори Минг-ди (58–75 йй.) даврида улуғ рузиелар (замон. ўқилишида юечжи)[1] орқали Хан давлатига будда дини кириб борганлиги ҳақида таҳлилий маълумотларни келтиради. Олим Ай-ди ҳукмронлиги даврида будда динига оид хабар Ғарбий Хан (мил. ав. 206 – мил. 8) сулоласи саройига кириб борганлигини асосли деб қайд этади [14: 14; 15]. Бу ерда япон олими буддизмнинг Хитойда тарқалишини бироз қадимийлаштириб, кичик хатога йўл қўяди. Сабаби, қайд этилган даврларда хитойликлар эндигина дин ҳақида хабар топган эди, холос. Бу эса будда дини бутунлай қадимги Хитой жамиятида тарқалди, деган тушунчани бермайди. Айрим хитойлик олимлар "Тарихий хотиралар" ("Шижи"),

[1] Ушбу атама устида тадқиқот олиб борган хитойшунос олим А. Хўжаев хулосаларига кўра, дай рузие (замон. ўқ. да юечжи / да-юечжи) этнонимиюечжиларнинг аксарият қисми маъносини англатади. Юечжи атамаси эса "Ўғуз-йер", "Ўғузия" (қадимги хитой тили талаффузида Нгузие, Рузие) аталган давлат номининг хитойча транскрипцияси бўлган. [17: 115; 141].

“Хитой Республикаси” (“Чжунгхуа мингуо” – 1912–1949) даврида чиққан илмий тадқиқотлар ва япон олимларининг бу масаладаги хулосаларига асосланиб, хитойликлар будда дини ҳақида Чин сулоласи (мил. ав. 221–207) давридаёқ хабар топишган деган фикрни илгари суришади [13: 88; 90]. Ушбу маълумотлар манбавий асосларига эга. Бироқ бу динга оид хабарни эшитиш билан уни қабул қилиш орасида икки асрга яқин вақт ўтган.

Ғарбий Хан даврининг охиридан, яъни милоднинг биринчи юз йиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб будда дини таълимоти ва унинг асосий ғояларини хитойларга оғзаки тушунтириш ишлари фаоллашди. Бу ишлар бир-икки аср давом этди. Агар хитой манбаларидаги маълумотларга мурожаат қилсак, сарой тарихчиси Вей Шоу томонидан 502–572 йилларда ёзилган “Вейшу” (“Вей [сулоласи] тарихи”)нинг “Шилаочжи 釋老志” /20/ (“Буддизм (ши) ва Даосизм (лао) тазкираси”нинг 114 бобида қуйидаги икки маълумот келтирилган:

1) “Чжанг Чян Бақтрияга элчи бўлиб бориб [Хитойга] қайтгандан сўнг Ғарбий юртлар (Шиюй) [хитойлар учун] очилди. Унинг Бақтрия (Дашя)га юборган одамларининг хабар беришича, ушбу [давдлат] ёнида Ҳиндистон (Шенду) давлати мавжуд бўлиб, у Тянчжу деб ҳам аталар экан. Дастлабки хабарларга кўра, бу ерда Будда дини (футу чжи жяо 浮屠之教)[1] амалда экан” [4: 1678; 10060; 5: 3025].

2) “Император Ай-ди (哀帝 – мил. ав. 6–1) [ҳукмронлигининг] юаншоу (мил. ав. 2–1 йиллар) даври биринчи йилида (元壽元年 мил. ав. 2 йилга тўғри келади) [Хан] империясининг олий даражали билимдонлик идораси[2] толиби Чин Жингшян (秦景憲)[3] Улуғ рузие (Да юеяжи) ҳукмдори элчиси Иэйдзуэн (зам. ўқ. Йицун 伊存, қад.ўқ. ǐei dzuən) будда сутраларини оғзаки тушинтириб берди, марказий

[1] Хозирги даврда хитой тилида будда дини “Фожяо”(佛教) деб номланади. Қадимда “Фотуо”(佛陀 Buddha), будда китоблари эса дастлаб мил. ав. биринчи асрларда “Футужинг”(浮 屠 经), милодий биринчи асрлардан кейинги даврда ёзилган манбаларда “Фудоужинг”(复豆经), “Бенчижинг”(本起经), “Беншингжинг”(本行经) номлари билан қайд этилади.

[2] Боши (博士) – қадимда Чин (мил. ав. 221–207) ва Хан (мил. ав. 206– мил. 220) сулолалари даврида олий даражали билимдонлик унвони.

[3] Адабиётларда Жинг Лу/Люй (Jing Lu 景盧), Чин Жинг (Qin Jing 秦景), Чин Жингшян (Qin Jingxian 秦景憲) Жинг Ни (Jing Ni 景匿) тарзда келтирилади [25: 24; 26].

заминда [қадимги Хитойда] бундан хабардор бўлди, [лекин бу дингa] ишонч билдирилмади (中土聞之，未之信了也)” [4: 1678; 10060; 5: 3025]. Бу ҳақда ўзбекистонлик олим А.Хўжаевнинг “Сангуо чжи” (“Уч хонлик хотираси”) асаридаги маълумотларга асосланиб таъкидлашича, мил.ав. 2 йил биринчи рузиелик (юечжилик) элчи Фули Хитойга буддизм вакили бўлиб келади ва Будда таълимотининг барча мазмунини хитойликларга ёддан ўқиб беради. Ҳатто ўша даврда унинг таълимотига Конфуций таълимотининг олий даражали билимдони (博士 – боши) Жин Лу (рус. Цзин Лу) ва унинг шогирдлари томонидан қизиқиш билдирилган [17: 199; 200]. Фули олдин Крурон (Лоулан) давлатининг қадимги пойтахти Миран шаҳрида Улуғ-рузие (Дай юечжи) давлатининг элчиси бўлган. Бунга қараганда Фули Иэйдзуэндан олдинроқ Хитойга элчи бўлиб борган.

Ушбу маълумотлар қадимги хитойликлар будда дини ҳақида милоддан аввалги II асрнинг сўнги чорагида хабар топганидан далолат беради. Лекин булар будда дини Хитой аҳолиси орасида тарқалди деб айтишга асос бўлмайди. Бу ҳақда кўп тадқиқотчилар, жумладан, русия олимлари таъкидлаб ўтишган [7: 191; 198].

“Хитой Будда дини тарихи” (“Чжунго фуожяо ши”) номли асарда келтирилишича, бу диннинг Хитойда тарқалиши Ғарбий Хан сулоласининг сўнги йилларида ва Шарқий Хан сулоласини дастлабки давридан бошлаган [15: 67]. Бу давр милодий 1–30 йилларга тўғри келади.

Бироқ “Вейшу”даги маълумот Хан даврида ёзилган манбаларида қайд этилмаган. Шунга қараганда, Будда таълимоти Хитой жамиятининг юқори қатламида эмас, балки пастки қатламида, яъни оддий фуқоралар орасида кенг ёйила бошлаган дейиш мумкин.

Хитойда ушбу диннинг тарқалишига оид маълумотлар “Кейинги Хан [сулоласи] тарихи”да учрайди. Масалан, ушбу сулола тарихининг “Ғарбий юртлар тазкираси”нинг 88-бобида буддизм билан боғлиқ иккита маълумот келирилади. Шулардан бири айнан шу манбадаги “Ҳиндистон” (Тянчжу)га бағишланган бўлагида қуйидагича қайд этилади: “... император Минг-ди (58–75) тушида олтин одамни кўради, қомати катта, бош тепасида ёруғлик бор ва [у ҳақида] сарой

аёнларидан сўради. [Аёнлар] унга айтди: ғарбдаги давлатда маъбуд[1] бор, унинг исми Фо (佛 – будда). Унинг қоматини узунлиги 6 чи[2] ва сариқ олтин рангда. Ўшанда император Ҳиндистон (Тянчжу)га будда қонун қоидаларини билиб келиш мақсадида элчи юборди. Шундан кейин Хитой (Чжунгуо)да [Будданинг] қиёфаси акс эттириладиган бўлди[3]. Чу ҳокими Йинг[4] унга ишонишни бошлади, шунинг учун Хитойда ишонувчилар тез кўпайди. Кейин [император] Хуан-ди (147–167) маъбудга яхши эҳтиром билдириб, Будда ва Лаози[5] га қурбонлик келтирди. Халқ орасида секин-аста [янги динга] эътиқод кучая бошлади. Вақт ўтиши билан [мамлакатда Будда таълимоти] кенг тарқалди" [11: 3825; 1315; 3826; 1316; 12: 2922].

Юқорида зикр этилган маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаб ўтиш мумкин, хитойликлар милоддан аввалги II–I асрларда будда динидан хабар топишган, лекин ушбу динга эътиқод қилиш I асрнинг ўрталаридан бошланган дейиш мумкин. Голланд олими Э. Зурчер ҳам милодий I аср ўрталарида буддизм ҳозирги шарқий Хенан, жанубий Шандун ва Шимолий Жянгсу ўлкалари ҳудудига кириб келганини

---

[1] Манбада маъбуд сўзи шен (神) деб берилган. Бироқ Н.Я. Бичурин асарида уни "дух" яъни "руҳ" деб таржима қилган. Шен иероглифнинг "руҳ" маъноси мантиқан жумладаги маънога тўғри келмайди [2: 229].

[2] Хан сулоласи давридаги узунлик ўлчов тизимига биноан бир "чи" (尺) 23 смга тенг бўлган [21: 311]. Лекин ҳозирги кунда бир "чи" 33.33 смга тенг [22: 127]. Демак ўша даврда унинг баландлиги 1м 35–40см ташкил қилган. Н.Я. Бичурин асарида уни 16 фут деб қайд этилган. 1 фут эса 30 смга тенг, Н.Я. Бичурин ҳисобига кўра 16 фут – 1м 80 смга тўғри келади.

[3] Мазкур жумла Н.Я. Бичурин асарида таржима қилинмаганлиги боис, кейинги жумланинг маъноси билан мантиқан боғланмаган. Хусусан, "...кейин Хуан-ди маъбудга яхши эҳтиром билдириб, Будда ва Лаозига қурбонлик келтирди" (後桓帝好神, 數祀浮圖, 老子...) деган жумлани " Впоследствии как Хуан-ди [147–167гг. н.э.], склонный к суеверию, начал молиться в храмах, посвященных Шагя-мони и Лао-дань [Лаоцзы] (Кейин Хуан-ди ирим-сиримларга ишонувчи сифатида Шагя-мони ва Лаоданга атаб қурилган ибодатхоналарда сиғинишни бошлади)" деб таржима қилинган. Биринчидан, хитойча матнда "ирим-сирим" деган сўз учрамайди. Иккинчидан, ҳукмдор ирим-сиримга ишонсада қандай қилиб будда ва Лаози (даосизм)га ишониши мумкин деган мантиқан бир-бирига зид савол туғилади. Кейинги жумланинг мазмунига биноан, ҳукмдор халқ учун эътиқодга йўл очиб берсагина у жамиятда тез тарқалади.

[4] Асл исми Лю Йинг (刘英, милодий? – 71) шарқий Хан шаҳзодаси. У Император Минг-дининг укаси бўлиб, Чу вилояти ҳокими этиб тайинланган. Хитой тарихида будда динига илк эътиқод қилган давлат вакили ҳисобланади. Айнан унинг даврида дастлабки будда ибодатхоналари қурила бошланган.

[5] Жумлада Лаози деб даосизм назарда тутилган.

тахмин қилган [25: 26]. Олимнинг бу фикри манба асосидаги таҳлилий фикримизга мос келади. Иккинчиси, Хоу ханшунинг “Ғарбий мамлакатлар тазкираси”нинг охирги хулоса қисмида элчи Чжанг Чян ватанига қайтиб Хан саройига қадимги Марказий Осиё давлатлари, улар орасидаги йўллар ҳақида берган хабаридан сўнг, Хитой ҳукмдорлари ўртасида Будда юртига қизиқиш пайдо бўлган [11: 3832; 1322; 12: 2931].

Бундан ташқари, ҳозирги ХХРнинг Гансу вилояти шимоли-ғарбида жойлашган Дунхуанда (туркий номи Даштота) жойлашган “Могаоку” аталмиш тоғ қояларидаги ҳужралар (гротлар) ичида турли даврларга тегишли ҳайкаллар ва деворий расмлар кўп. Шулар ичидаги № 323 рақамли ҳужра (грот) деворларига чизилган суратлар орасида [10], Ғарбий Хан сулоласи ҳукмдори Хан У-ди (мил. ав. 140–87) иккита будда ҳайкали олдида маросим ўтказаётган ҳолати акс эттирилган расмини кўришимиз мумкин. Ҳатто маросимда Хан У-ди (漢武帝...) қатнашаётгани ҳақидаги ёзув ҳам кўриниб туради. Албатта, бу расм Хитойда буддизм тарқалгандан кейинги даврда чизилгани боис У-ди даврида буддизм тарқалди ва эътиқод қилиш бошланди дея олмаймиз. Бироқ мазкур расмлар Хан даврдаги маълумотлар асосида чизилгани сабабли, ўша даврда хитойликлар будда дини билан таниша бошлаган дейишимизга асос бўлади.

Кушон давлатининг вужудга келиш даврига эътибор берсак, дастлаб милоддан аввалги биринчи асрларнинг сўнгги даврларида кушонликлар (дай рузиелар / да юэчжилар) қадимги хитойликларга будда дини ҳақидаги маълумотларни етказган. Милодий биринчи асрлардан бошлаб Кушон давлати тарих саҳнасига чиққандан сўнг, кўплаб маҳаллий будда роҳиблари, савдогарлар элчи сифатида Хитойга келган ва будда сутраларини хитой тилига таржима қилишган. Унга қадар будда дини Марказий Осиёда кенг ёйилган эди. Айнан мазкур дин Кушон империяси даврида гуллаб яшнади. Бу даврда нафақат будда, балки ҳиндий, зардуштийлик, монийлик ҳам равнақ топди. Ушбу даврда Кушон ва Шарқий Хан давлати ўртасидаги маданий муносабатлар фаоллашди.

Аксарият хитой олимларининг эътирофича, қадимги Хитой сулолалар тарихида айнан шарқий Хан сулоласи даврида жуда кўп чет элликлар Хитойга келишган, уларнинг орасида марказий

осиёликлар нуфузи катта бўлган [8: 18; 28]. Хитойликлар будда динидан хабар топгандан сўнг ҳукмдор Минг-ди даврида Кушон давлати ҳукмдори Кудзула Кадфиз (мил. 26–44 йилларда ҳукмронлик қилган) саройига бир қанча хитойликлар бориб будда динининг

42 бобли (матн) сутраси (сиши эрчжанг жинг 四十二章经)ни кўчиришга муваффақ бўлган [15: 96]. Бу ҳақда айрим ғарб олимлари, жумладан, голландиялик Эрик Зурчер янги даврдаги хитойлик давлат арбобларидан бири файласуф Лянг Цичао, япон тадқиқотчилари Токива Дайё, Тойогакуҳ Х., Мочизуки Шинкларнинг асарларига таяниб, иккита ҳиндистонлик миссионер Шемотенг (Shemoteng 攝摩騰? Kāśyapa Mātanga) ва Чжу Фалан (Zhu Falan 竺法蘭? Dharmaratna) 42 бобли сутрани Луоянгга олиб келган, кейинчалик, милодий 67 йилда хитойчага таржима қилганини қайд этади [15: 29; 30].

Хитой буддизм тарихида биринчи будда сутралари Минг-ди (明帝 – 58–75 йй.) даврида Луоянгда хитой тилига таржима қилинганини таъкидлаб ўтиш лозим [1: 200]. Ушбу ҳукмдор давридаги будда дини билан боғлиқ маълумотларни айрим япон олимлари ривоят деб қарайди [14: 14]. Сабаби, мазкур ривоятнинг пайдо бўлиши “Вейшу” (“Вей сулоласи тарихи”)нинг 114 бобида ҳукмдорнинг тушига Будда кириб, ўз аёнларини Ҳиндистонга (Тянчжу)га жўнатиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилади [4: 1678; 10060]. Мазкур маълумотлар Ғарбий ва Шарқий Хан сулолари даврдаги манбаларда қайд этилмаган. Бироқ бир жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, айнан шу император даврида Кушон давлати ва Ҳиндистонга бир қанча хитой роҳиблари жўнатилган. Туркистон шаҳарларидан келган роҳиблар томонидан Хитой будда ибодатхоналари қурила бошланади. Парфиялик роҳибнинг милодий 58–78 йилларда Хитойга келган даврига эътибор берсак, (148 йилдан тахминан 70–90 йил олдин) Луоянгда хитой тилига таржима қилинган буддизм сутралари мавжуд бўлган. Бундай сутраларнинг илк бор пайдо бўлган вақти ҳақида маълумот йўқ. Бундан ташқари, кўпчилик хитой тарихчилари тадқиқотларида Минг-ди давридаги будда динининг Хитойга тарқалиши ҳақидаги маълумотлар ишончлилиги таъкидланади. Ушбу император

даврида будда дини кенг ёйилган [15: 97]. Манбадаги фактик маълумотларни таҳлил этсак, ҳақиқатдан ҳам айнан шарқий Хан ҳукмдори Минг-ди даврида, яъни 58–75 йилларда Хитойда будда динига оид бир қанча ишларнинг амалга оширилиши шу даврдан бошлаб Хитойда диннинг ёйилишига асос бўлиб хизмат қилганини кўрсатади.

Яна бир жиҳатини таъкидлаш жоизки, ўша даврда хитой тилига таржима қилинган будда китобларида будда роҳибининг номланишида, атамаларда кўпроқ қадимги Марказий Осиё давлатлари маҳаллий тилидаги сўзлар акс этган. Мазкур сўзлар, маҳаллий терминларнинг пайдо бўлиши қадимги хитой тилини янги элементлар билан бойитди. Бундай жараёнларда хитой тили ва ёзуви тарихида фонетик ёзув ғояси пайдо бўлди, дейди рус олими П.Нурмекунд
[9: 217]. Шунингдек, будда динидаги машҳур 12 омил номларида санскрит тилидан хитой тилига ўгирилган будда китобида сўзлар ўртасидаги маъно бир-бирига боғланмаган. Масалан, ўша даврда Шарқий Туркистонда жойлашган Янчи (焉耆 Қорашар) маҳаллий тили тохар тилида ёзилган будда китобидаги сўзлар маъноси хитой тилига ўгирилган будда китобидаги маъно билан бир хил, дейди япон олими Ханеда Тору [14: 15]. Хитой тилига ўгирилган будда китобларида кўпроқ марказий осиёликлар маҳаллий тилидаги сўзлар таъсири мавжудлигини кўриш мумкин. Айни шу хулосалар хитойлик олим Лин Мейцун тадқиқотларида ўз ифодасини топган бўлиб, у ҳам буддизмнинг хитойда тарқалишида юечжилар ўрни катталиги, хитой тилига кирган будда сўзлари этимологиясида марказий осиёликлар сўзларининг таъсири катта эканини таъкидлаб ўтган [6: 431, 447].

Хитой манбаларидаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, қадимда хитойликлар мил. ав. II асрнинг сўнги чораги ва
I асрнинг бошларидан будда дини ҳақида маълумотларга эга бўлган. Ушбу динга жамиятнинг юқори қатламида эмас, балки пастки қатламида, яъни оддий одамлар орасида, эътиқод қилиш эса I асрнинг ўрталаридан бошланган Шунингдек, марказий осиёлик, хусусан, кушонлик ва кангкиялик роҳиблар Парфия ва

Ҳиндистондан борган роҳиблар билан бир қаторда қадимги Хитой жамиятида будда динини ёйишда фаол қатнашган. Ҳатто Хитойга будда дини ҳақидаги маълумотларни марказий осиёлик роҳиблар парфиялик роҳиблардан олдин етказган.

Дарҳақиқат, юқорида зикр этилган маълумотлар асосида, милодий 148 йилда парфиялик роҳиб Ан Шигао томонидан Хитойга будда дини тарқатилди деган маълумотни асосли деб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баринова Е.Б. Этнокультурные контакты Китая с народами Центральной Азии в древности и средневековье. Москва, 2013.
2. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. Москва–Ленинград, 1950.
3. Васильев Л. С. Кушаны и проникновение буддизма в Китай // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. Москва, 1975.
4. Вэй Шоу. Вэйшу (魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд. Шангхай, 1956–1958.
5. Вэй Шоу. Вэйшу. (魏收. 魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд. Пекин, 1974.
6. Лин Мейцун. Шиюй венминг: каогу, минзу, юйян хе зунгжяо шинлун (林梅村. 西域文明:考古,民族,语言和宗教新论. – Ғарбий мамлакатлар цивилизацияси:археология, миллат, тил ва дин ҳақидаги янги назария). Пекин, 1995.
7. Литвинский Б.А. Распросранение буддизма в Средней Азии // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. Москва, 1975.
8. Ма Юнг. Дунг хан хоучи чжунгярен лайхуа као (马雍.东汉后期中亚人来华考 – Шарқий Хан давлатининг охирги даврларида Хитойга келган марказий осиёликларга оид тадқиқот) // Шинжянг Университети хабарлари. № 2. Урумчи, 1984.
9. Нурмекунд П. О транслитерации санскритских слов в ранних буддийских переводах на китайский язык // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. Москва, 1975.

10. Су Бай. Каогу фашян юй чжунгши венхуажяолю (宿白. 考古发现与中西文化交流 – Археологик топилмалар Хитой ва Ғарб маданий алоқалари). Пекин, 2012.

11. Фан Е, Сима Бяо. Хоу Ханшу (後漢書 / 后汉书 – Кейинги Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 3-жилд. Шангхай, 1956–1958.

12. Фан Е. Хоу Ханшу (范晔. 後漢書 / 后 汉书 – Кейинги Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 3-жилд. Шангхай, 1965.

13. Фанг Ҳао. Чжунгши жяотунгши шанг (方豪.中西交通史上 – Хитой ва Ғарб алоқалари тарихи. 1 жилд). Шангхай, 2008.

14. Ханеда Т. Шиюй венминг ши гайлун (羽田亨.西域文明史概論 – Ғарбий юртлар цивилизацияси тарихи ҳақидаги умумий таъриф). Шангхай, 1935.

15. Хитой Будда дини тарихи (中国佛教史 – Чжунго фуожяо ши) / Рен Жиюй (任继愈 – Масъул муҳаррир). 3 нашри. 1 жилд. Пекин, 1988.

16. Ходжаев А. Великий китайский путь: связи и судьбы. Ташкент, 2018.

17. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (Сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011.

18. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007.

19. Хуэй Жяо. Гао сенгчжуан, Танг Юнгтунг шяочжу (慧皎, 湯用彤校注.高僧傳 – Роҳиб Хуэй Жяо. Олий роҳиблар биографияси, Танг Юнгтунг изоҳи). Пекин, 1992.

20. Циҳай «辞海– Сўзлар денгизи». Шангхай, 1979.

21. Чжунггуо лиши дацидян шанг (中国历史大辞典 中 – Хитой тарихининг катта луғати 1 жилд). Шангхай, 2007.

22. Шинхуа цидян (新华词典 – Хитой тилининг янги луғати). Пекин, 2001.

23. http://dsr.nii.ac.jp/china-caves/dunhuang/index.html.zh (Хитойда барча қоя ҳайкал / расмларга оид маълумотлар базаси)

24. https://uz.wikipedia.org/wiki/Kushon_podsholigi

25. Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China: the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E. Zürcher ; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. Leiden, 2007.

Х. Азимов

Будда динининг Хитойга кириб келишида марказий осиёлик роҳибларнинг ўрни *(Хитой манбалари асосида)*

Мақолада қадимги хитой манбалари асосида буддизмнинг Хитойга кириб боришида марказий осиёликларнинг ўрни ҳамда ушбу жараёнга оид айрим масалалар таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганишда ғарбий Жин (Ши-Жин) сулоласи даврида (мил. 265–316) сарой тарихчилари ота-бола Хуа Чяо ва Хуа Челар томонидан битилган “Хоу Ханшу” (Кейинги Хан [сулоласи] тарихи), Вей Шоу томонидан 502–572 йилларда ёзилган “Вейшу” (Вей [сулоласи] тарихи) ва Хуэй Жяо томонидан 497–554 йилларда ёзилган “Гао сенгчжуан” (Олий роҳиблар биографияси) номли манба ва замонавий даврдаги тарихчи олимларнинг фикрларга таянилган.

Қадимда хитойликлар мил. ав. II асрнинг сўнги чораги ва I асрнинг бошларидан будда дини ҳақида маълумотларга эга бўлган. Ушбу динга жамиятнинг юқори қатламида эмас, балки пастки қатламида, яъни оддий одамлар орасида тарқалган. Эътиқод қилиш эса I асрнинг ўрталаридан бошланган. Марказий осиёлик аниқроғи, кушон ва кангкиялик роҳиблар Парфия ва Ҳиндистондан борган роҳиблар билан бирга қадимги Хитой жамиятида будда динини ёйишда фаол қатнашган. Ҳатто марказий осиёлик роҳиблар парфиялик роҳиблардан олдин Хитойга бу дин ҳақидаги маълумотни етказган. Юқорида зикр этилган манба ва тадқиқот маълумотлари асосида, милодий 148 йилда парфиялик роҳиб Ан Шигао томонидан Хитойга будда дини тарқатилди деган маълумотни асосли деб бўлмайди.

Калит сўзлар: *Будда дини, Хитой, марказий осиёликлар, Ан Шигао, Вейшу, Хоу Ханшу, Гао сенгчжуан, Хитой манбалари.*

Х. Азимов

Место центральноазиатских монахов в распространении буддизма в Китае (*на основе китайских источников*)

В данной статье проанализированы роль центральноазиатских монахов в проникновении буддизма в Китай на основе древнекитайских источников и некоторые аспекты этих процессов. К изучению темы привлечены источники «Хоу Ханьшу» (История [династии] Поздней Хань), написанная дворцовыми историками Хуа Цзяо и Хуа Че во время династии Западная Цзинь (Си-Цзинь) (265–316 н.э.), Вэй Шао в 502-572 гг. «Вэйшу» (История династии Вэй) и Хуэй Цзяо в 497–554 гг «Гао Сэнчжуань» (Биография высоких монахов или Жизнеописания высоких наставников) и иследования современных ученых. Анализ данных источников и исследований позволяет сделать следующие выводы.

В древности китайцы знали о буддизме в последней четверти II до.н.э – начала I н.э вв. К середине первого века буддизм начинает распространяться не в высших, а в нижних слоях общества, то есть среди простых людей. Кроме того, центральноазиатские монахи, в том числе, кушаны и кангки, вместе с монахами из Парфии и Индии принимали активное участие в распространении буддизма в древне-китайском обществе. И центральноазиатские монахи передали сведения о религии Китаю раньше, чем монахи из Прафии. Исследование показало, что взгляд о том, что буддизм распространился в Китай парфянским монахом Ань Шигао в 148 году нашей эры, может быть считаться необоснованным.

Ключевые слова: *буддизм, Китай, выходцы из Центральной Азии, Ань Шигао, Вэйшу, Хоу Ханьшу, Гао Сэнчжуань, китайские источники.*

Kh. Azimov

The place of Central asian monks in the spread of Buddhism in China (based on Chinese sources)

This article examines the place of Central asians in the penetration of Buddhism into China based on ancient chinese sources and some issues in these processes. In the study of the theme, based on a source called "Hou Hanshu" (History of the Later Han [Dynasty]), written by historians Hua Chiao and Hua Che during the Western Jin (Shi-Jin) dynasty (265–316 BC), was written by Wei Shao in 502–572 BC, "Weishu" (History [Dynasty]) of the Wei and "Gao Seng Juan" (Biography of the Eminent Monks) written by Hui Jiao in 497–554 BC and based on the researchs of modern historians. An analysis of the data cited in these sources and studies leads to the following conclusions.

In ancient times, the Chinese knew were aware of Buddhism in the last quarter of the second BC – the beginning of the first centuries AD. This religion is not spread in the upper strata of society, but in the lower strata, among ordinary people. Belief began in the middle of the first century. In addition, central asian monks, including the Kushans and Kangkis, along with monks from Parthia and India, were actively involved in the spread of Buddhism in ancient chinese society. Even central asian monks passed on information about religion to China before the prathian monks. Result of the research, the information that Buddhism was spread to China by the Parthian monk An Shigao in 148 AD cannot be substantiated.

Key words: *Buddhism, China, Central asian, An Shigao, Weishu, Hou Hanshu, Gao Sengjuan, Chinese sources.*